

**“Тахиатош дон махсулотлари” акциядорлик жамиятида  
ўтказилган 2019 йил якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги  
умумий йиғилиши  
БАЁНИ**

2020 йил 3-апрел

1-сон

Тахиатош шаҳри

Йиғилиш раиси: М.Мадаминов- “Тахиатош дон махсулотлари” АЖ  
Кузатув кенгаши раиси

Иштирок этдилар: Кузатув кенгаши аъзолари Б.Назимов,  
И.Мамаюсупов, И.Мадрахимов, Ж.Арипов, Б.Тўхтаев  
ва Х.Рахимов, жамият бош директори Ж.Утемуратов,  
жамиятнинг ишлаб чиқариш бўйича директори  
М.Утемуратов, жамият молия ва сотиш бўйича  
директори А.Абдимуратов, жамият Касаба уюнимаси  
раиси Ж.Алимов бош ҳисобчи З.Ашырова ва бошқа  
акциядорлар.

Таклиф этилганлар: “Тахиатош дон махсулотлари” акциядорлик  
жамиятининг барча ишлаб чиқариш цехлари  
бошлиқлари, (омбор мудирлари) моддий жавобгар  
шахслар, бўлим бошлиқлари ва барча ишчи  
ходимлари.

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи  
акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони: **1 504 456 дона**

Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар  
эга бўлган овозларнинг сони: **1 370 991 дона**

Санок комиссияси раиси Юлдашев Рашид. сўзга чиқиб, жамиятнинг  
умумий овоз берувчи акциялар сони 1 504 456 дона эканлигини, шундан  
умумий йиғилишда қатнашиш учун 1 370 990 дона акцияларнинг 45 та  
эгалари ва вакиллари рўйхатдан ўтиб, ушбу йиғилишда иштирок  
этаётганлигини, бу акциялар умумий сонининг 92,01% ташкил этишини ва  
акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ваколатли деб топиш учун  
кворум мавжудлигини маълум қилди.

Амалдаги қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ кузатув  
кенгаши раиси М.Мадаминов акциядорларнинг умумий йиғилишига раислик  
қилди.

Йиғилиш раиси М.Мадаминов кворум мавжудлигини эътиборга олиб,  
акциядорларнинг умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва умумий

йиғилиш раёсатига 5 кишини яъни, “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ Бош директори Ж.Утемуратов, жамиятнинг ишлаб чиқариш бўйича директори М.Утемуратов, жамият молия ва сотиш бўйича директори А.Абдимуратов, жамият Касаба уюшмаси раиси Ж.Алимов жамият Кузатув кенгаши раиси “Ўздонмахсулот” АК вакили М. Мадаминовни сайлашни таклиф қилди.

Раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш котиблигига жамият кимматли қоғозлар бўйича мутахассис М.Артыкова сайланди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

1.Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2.Умумий йиғилишда санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

3.Жамиятнинг 2019 йил молия–хўжалик фаолияти якунлари ва бизнес – режанинг бажарилиш юзасидан бош директорининг йиллик ҳисоботини ва ижроия органи томонидан акциядорларнинг ўтган умумий йиғилиши билан ҳозирги йиғилиш орасида қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва ҳаражатлар- сметасини тасдиқлаш.

5.Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил фаолияти бўйича ҳисоботини ва кенгаш томонидан акциядорларнинг ўтган умумий йиғилиши билан ҳозирги йиғилиш орасида қабул қилинган қарорларни тасдиқлаш.

6.Жамиятнинг 2019 йил молия–хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосаларини тасдиқлаш.

7.Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш.

8.Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш, дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартиби тўғрисида.

9. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2019 йил 24-августдаги ПҚ-4426 сонли қарори талабларига мувофиқ 2019 йил якуни бўйича директор ҳисоботини эшитиш.

10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

11.Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

12.Жамият бош директори ва аъзолари билан тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддатини бир йилга узайтириш.

13.Жамият балансида улуши бўлган нон макарон қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатиувчи корхоналардан ташқари барча турдаги корхоналар ҳамда бўш турган бино ва иншоотларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотиш.

**Кун тартибидаги 1-масала бўйича жамият кузатув кенгаши раиси “Ўздонмахсулот”АК вакили М.Мадаминов сўзга чиқиб, акциядорларнинг**

умумий йиғилишини кун тартиби билан таништирди ва акциядорлар умумий йиғилишининг қўйидаги регламентини тасдиқлаш учун овозга қўйди:

Кун тартибидаги барча масалалар буйича маърузачига 10 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 5 дақиқа вақт ажратилади.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар—1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича қўйидаги**

**Қарор қабул қилинди :**

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби тасдиқлансин.
2. Сўзга чиққан маърузачига 10 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 5 дақиқа вақт берилиши тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 2-масала бўйича “Ўздонмахсулот”АК вакили М.Мадаминов, жамият Кузатов кенгашининг 03.04.2020 йилдаги мажлисида акциядорларнинг умумий йиғилиши санок комиссияси таркибига жамият Дон қабул қилиш булимининг етакчи мутахассиси Юлдашов Рашид, жамият Ходимлар булими инспектори Артыкбаева Дилшод ва жамият Ахборот технологиялари булими мутахассиси Эрменов Юсупбайларнинг номзодлари тавсия этилганлигини маълум қилди. Акциядорлардан ушбу учта номзодлардан иборат санок комиссиясини сайлаш юзасидан таклифини киритди. Ушбу номзодларни тасдиқлаш учун овозга қўйилди.**

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қўйидаги**

**Қарор қабул қилинди :**

- 1.Акциядорларнинг умумий йиғилиши санок комиссияси Юлдашев Рашид, Артыкбаева Дилшод ва Эрменов Юсуплардан иборат таркиби тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 3-масала бўйича жамият раиси Утемуратов сўзга чиқиб, 2019 йил якунлари ва бизнес-режанинг бажарилиши бўйича хисобот берди. У ўз хисоботида жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича ижро органи томонидан қилинган ишлар ва эришилган натижалар тўғрисида айтиб ўтди. (Маърузанинг тўлиқ матни ушбу баённомага илова қилинади).**

**2019 йилдаги жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти якунлари ва бизнес-режанинг бажарилиш юзасидан Жамият раисининг йиллик хисоботи ва ижроия органи томонидан акциядорларнинг утган умумий йиғилиши**

билан ҳозирги йиғилиш орасида қабул қилинган қарорлари эшитилиб, тасдиқлаш учун акциядорлар ўртасида овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар - йук, бетарафлар – йук**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала бўйича қўйидаги**

**Қарор қабул қилинди :**

1. Жамият ижро органининг 2019 йил якунлари бўйича бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамият ижро органи томонидан жамиятнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, дебитор ва кредитор қарзларни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишларини янада кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ижроия органи томонидан акциядорларнинг утган умумий йиғилиши билан ҳозирги йиғилиш орасида қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 4-масала бўйича жамият раиси Утемуратов сўзга чиқиб жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва ҳаражатлар-сметаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништириб ўтди.**

Муҳокамадан сўнг жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва ҳаражатлар-сметасини тасдиқланиши учун овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар–1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар - йўк, бетарафлар – йўк.**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қўйидаги**

**Қарор қабул қилинди :**

1. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва ҳаражатлар-сметасини тасдиқлансин.

2. Ички аудит томонидан ушбу «Бизнес-режа» кўрсаткичларининг бажарилиши ҳар чоракда таҳлил қилинсин ва бажарилган ишлар бўйича Кузатув кенгашига ҳисобот тақдим этиб борилсин.

3. Жамият ички аудит хизмати бизнес-режа параметрларининг бажарилиши юзасидан алоҳида назорат ўрнатсин.

**Кун тартибидаги 5-масала юзасидан сўзга чиққан маърузачи “Ўздонмахсулот”АК вакили М.Мадаминов 2019 йил давомида кузатув кенгаши томонидан ўтказилган йиғилишлар, жамият томонидан олиб борилган ишлар, жамиятнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари, 2019 йил давомида кузатув кенгаши томонидан берилган топшириқларнинг ижроси бўйича ҳисобот бериб, йўл қўйилган хато-камчиликлар ва эришилган ютуқлар тўғрисида гапириб ўтди.**



Кузатув Кенгашининг 2019 йил якуни бўйича амалга оширган ишлари ҳисоботи эшитилиб, кенгаш томонидан акциядорларнинг ўтган умумий йиғилиши билан ҳозирги йиғилиш орасида қабул қилинган қарорлари тасдиқлаш учун акциядорлар ўртасида овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қуйидаги**

**Қарор қабул қилинди :**

1. “Тахиатош дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг 2019 йил давомида олиб борган ишлари қониқарли деб топилсин.
2. Кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг 2018 йил якуни бўйича ўтказилган йиллик умумий йиғилиши ва 2019 йил якуни бўйича ўтказилган йиллик умумий йиғилишлар орасида қабул қилинган йиғилиш қарорлари тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 6-масала юзасидан Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолиятини ташқи аудит текширувидан ўтказиш натижаси бўйича жамият бош ҳисобчиси З.Ашырова ҳисобот берди ва шу даврдаги жамият хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ўқиб эшиттирди. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти яқунлари бўйича молиявий ҳисоботлари “ AUDIT MAXIMA” МСНЖ аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб, аудит ҳулосасига кўра “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖнинг 2019 йилги молиявий ҳисоботлари муҳим жиҳатлар бўйича унинг молиявий ҳолатини тўғри акс эттирилганлиги тўғрисида ижобий ҳулоса берилганлигини маълум қилди.**

Ташқи аудиторлик ҳулосаси ва жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги олтинчи масала бўйича қуйидаги**

**Қарор қабул қилинди :**

1. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик молиявий хўжалик фаолиятини текшириш натижаларига кўра “AUDIT MAXIMA” МСНЖ аудиторлик ташкилоти ҳулосаси тасдиқлансин.

2. 2020 йил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилсин ва тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини 4 000 000 сўм деб белгилансин.

3. Жамиятнинг 2019 йил молия – хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисоб-варағини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги 7-масала юзасидан** Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисоб варағи бўйича жамият бош ҳисобчиси З.Ашырова ҳисобот берди ва кўйидагиларни маълум қилди.

Маҳсулотлар сотишдан соф тушум 99 млрд 573 миллион 841 минг сўм, маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси 625 млрд 189 миллион 037 минг сўмни ташкил этди.

Давр ҳаражатлари 20 млрд 892 миллион 752 минг сўм, шундан сотиш ҳаражатлари 226 миллион 914 минг сўм, маъмурий ҳаражатлар 1 млрд 046 миллион сўм ва бошқа операцион ҳаражатлар 19 млрд 619 миллион сўм.

Бошқа операцион ҳаражатлар, жамият элеваторида сақланаётган давлат захирасидаги бугдойни янгилаш мақсадида, бугдойни олиб келиш учун йиллар давомида йиғилган автотранспорт хизматлари ҳаражатларидир. Улар бухгалтерия ҳисоб-рақамларининг 15-ҳисобида акс эттирилиб, 19 млрд 619 миллион сўмни ташкил қилади.

Соф фойда 696 765 минг сум. Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар жами 3 млрд 119 миллион 471 минг сўм. Валюта курси фарқидан кўрилган зарар 0 сум. Йиллар давомида йиғилган автотранспорт хизмати ҳаражатлари 27 млрд 208 миллион сўмни қоплаш учун 2018 йил якуни бўйича молиявий натижасига кўра, етарли эмас. Шу сабабли, ҳар бир мавжуд қимматли қоғозлар учун 2019 йилга дивиденд ҳисоблаш ва тўлаш имкони мавжуд эмас.

(Ҳисоботнинг тўлиқ матни илова қилинади.)

Муҳокамадан сўнг 2019 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш масаласи овозга кўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги еттинчи масала бўйича кўйидаги**

**Қарор қабул қилинди :**

1. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисоб варағи тасдиқлансин.
2. Жамиятнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, ҳаражатларни қисқартириш, маҳсулот таннархини тушириш бўйича тегишли чоралар кўрилсин.

**Кун тартибидаги 8-масала юзасидан** Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивидент миқдори, тўлов шакли ва тартиби масалалари бўйича жамият бош ҳисобчиси З.Ашырова сўзга чиқди ва йиғилиш қатнашчиларига 2019 йил якуни бўйича юқорида айтиб

утилганидек 2017 йилги йиғилган ҳаражатлар сабабли қимматли қоғозлар учун 2019 йилга дивиденд ҳисоблаш ва тўлаш имкони мавжуд эмаслигини айтиб ўтди

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ**

**Бир овоздан қабул қилинди.**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича қўйидаги**

**Қарор қабул қилинди :**

1. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ томонидан 2019 йил якуни бўйича ҳар бир қимматли қоғозларга дивиденд ҳисоблаш ва тўлаш имкони мавжуд эмас.

**Кун тартибидаги 9-масала юзасидан сўзга чиққан жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директори ўз ҳисоботини эшитириб ПҚ-4426 сонли қарори бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида ҳам айтиб ўтди.(Маърузанинг тўлиқ матни ушбу баённомага илова қилинади).**

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича қўйидаги**

**Қарор қабул қилинди :**

1. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ПҚ-4426 сонли қарори бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида ҳисоботи маъқуллансин.

**Кун тартибидаги 10-масала юзасидан “Ўздонмаҳсулот” АК вакили М.Мадаминов сўзга чиқиб жамият уставига кўра Кузатув кенгаши аъзолари сони 7-9 кишидан иборат бўлиши тўғрисида маълум қилди. Сўзини давом эттириб “Ўздонмаҳсулот” АК томонидан жамият кузатув кенгашига сайлаш учун қуйидаги 7 кишининг номзодлари яъни**

1. М.Мадаминов

“Ўздонмаҳсулот” АК

2. Б.Назимов

“Ўздонмаҳсулот” АК

3. И.Мамаюсупов

“Ўздонмаҳсулот” АК

4. Б.Хужамбердиев

“Ўздонмаҳсулот” АК

5. Ж.Арипов

“Ўздонмаҳсулот” АК

6. Б.Тухтаев

“Ўздонмахсулот” АК

7. Р.Мансуров

“Ўздонмахсулот” АК

Сайлов бюллетенига киритилган номзодлар бирма бир таништирилди, уларга саволлар бўлмади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 76-моддасида Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилиши, кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилиши ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли эканлиги тушунтирилди. Ва номзодлар сайланиш учун овозга қўйилди.

#### **Овоз бериш натижалари:**

1. М.Мадаминов - тарафдорлар – 1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ

2. Б.Назимов - тарафдорлар–та 1 370 991 овоз, 100%, қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ

3. И.Мамаюсупов-тарафдорлар – та 01 370 991 воз, 100%, қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ

4. Б.Хужамбердиев-тарафдорлар – 1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ

5. Ж.Арипов-тарафдорлар–567 285та овоз, 100%, қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ

6. Б.Тухтаев-тарафдорлар–1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ

7. Р.Мансуров -тарафдорлар–1 370 991 та овоз, 100%, қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ

Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича қўйидаги

#### **Қарор қабул қилинди :**

1. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига “Ўздонмахсулот”АК вакиллари М.Мадаминов, Б.Назимов, И.Мамаюсупов, Б.Хужамбердиев, Ж.Арипов, Б.Тўхтаев ва Р.Мансуровлар сайлансин.

2. Жамият кузатув кенгашининг раиси вазифасини бажариб турган давр учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш 7 бароварида ҳамда азоларига ҳар ойда базавий ҳисоблаш 6 баробарида ҳақ тўлансин.

Кун тартибидаги 11-масала юзасидан жамият раиси Ж.Утемуратов сўзга чиқиб, жамият Уставига кўра тафтиш комиссияси аъзолари 2 та аъзодан иборат бўлишини, шунга кўра акциядорлар томонидан жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзолигига сайлаш бўйича қўйидаги номзодлар таклиф этилганини маълум қилди:

1. А.Абдуллаев – Нафакадаги акциядор
2. Ш.Акбаралиев-акциядор



Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларни акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши муҳокамасидан сунг овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

1. А.Абдуллаев Тарафдорлар – 1 370 991та овоз, 100%, қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.
2. Ш.Акбаралиев Тарафдорлар – йўқ, қаршилар -1 370 991та овоз, 100%, бетарафлар – йўқ.

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича қўйидаги**

**Қарор қабул қилинди :**

1. Жамият тафтиш комиссиясига нафақадаги акциядор А.Абдуллаев, сайлансин.

**Кун тартибидаги 12-масала юзасидан “Ўздонмахсулот”АК вакили М.Мадаминов сўзга чиқди ва жамият райси Ж.Утемуратовнинг ҳисоботи қоникарли деб топилганлигини ҳисобга олган ҳолда унинг билан тузилган меҳнат шартномасини шу билан бирга эгалаб турган лавозимларига кўра жамият бошқаруви аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини яна бир йилга узайтириш таклифини киритди.**

**Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:**

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 1 370 991та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.**

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича қўйидаги**

**Қарор қабул қилинди :**

1. Жамият райси Ж.Утемуратов билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати 1 йилга узайтирилсин. Шу билан бирга сайлов натижаларига кўра жамият бошқаруви аъзолари қўйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Ж.Утемуратов - Жамият Бош директори;
- А.Абдимуратов - Моливий бўйича директор;
- М.Утемуратов – Ишлаб чиқариш бўйича директор;
- З.АшYROва – Бош ҳисобчи;
- Қ.Айтимбетов– Бизнесни режалаштиришда стратегик режалаштириш бўлими бошлиғи

**Кун тартибидаги 13-масала юзасидан жамият бошқарув райси Ж.Утемуратов сўзга чиқиб акциядорларга Жамият балансида улуши бўлган нон макарон қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатиувчи корхоналардан ташқари барча турдаги корхоналар ҳамда бўли турган бино ва иншоотларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотиш,**

жамиятимизга қарашли “Найманкуль”ОФЙ-да жойлашган, бўш турган ферма биносини баҳолаб сотишни кўриб чиқиш таклифини киритди.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – 1 370 991та овоз, 100%, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Бир овоздан қабул қилинди**

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн туртинчи масала бўйича кўйидаги**

**Қарор қабул қилинди :**

Жамиятимизга қарашли “Найманкуль”ОФЙ-да жойлашган, бўш турган ферма биносини белгиланган тартибда сотилсин.

Раислик қилувчи йиғилиш иштирокчиларига ўз миннатдорчилигини билдирган ҳолда "Тахиатош дон маҳсулотлари" АЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишини ёпик деб эълон қилди.

**Йиғилиш раиси :**



**М.Мадаминов**

**Котиби :**



**М.Артыкова**

**Баённома тузилган ва имзоланган сана 8-апрель 2020 йил**